

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 48 (1826) 8 март, чоршанба, 1961 йил Баҳоси 2 тийин

СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

**Халқаро хотин-қизлар куни—8 Март муносабати билан
КПСС Марказий Комитетининг Мурожати**

Қадри хотин-қиз ўртоқлар! Совет халқининг шонли қизлари, коммунизмнинг актив қурувчилари!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети Сизларни халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март билан, бутун дунё меҳнатшар хотин-қизларининг бирлиги ва ҳамкорлиги куни билан қизинг табриклайди ва қутлайди.

Бу йил совет халқи 8 март кунини КПССнинг бўлажак XXII съезди тўғрисида келган 3-й сессия ва ишлаб чиқариш қўшма ерида партия съезди шарафига, етти йиллигининг учинчи йили бўлган 1961 йил планини мўлдатдан илгари бажариш учун коммунистик мусобақа кенг ажойиб қўшмоқдалар. Бу чинакам умум-халқ мусобақасида шонли совет хотин-қизларимиз муносиб равишда иштирок этмоқдалар.

Қишлоқ ҳўжалигининг ҳамма тармоқларини янада қудратли суратда юксалтириш программасини белгиланган КПСС Марказий Комитети январи Пленумининг қарорларини совет хотин-қизлари бутун халқ билан биргаликда амалга ошириш билан ва қизинг маъқулламоқдалар. Коммунистик партиянинг меҳнаткашлар бахт-саодати тўғрисида тинимай қўйилган қўшма қўшма, партиянинг совет халқи ҳаётига янада гўзал ва қувончли қилишти, совет кишиларининг диний суратда ўсиб бораётган аҳволини тўла қондириш учун зарур бўлган мақсулотлар мўл-қўлларини қисқа муддат ичида таъминлашга интилаётганлиги Пленум қарорларидан ақлоқ ифодаланди.

Совет халқи ўз ижодий меҳнати билан халқ ҳўжалигининг ҳамма тармоқларини янада юксалтириш учун, етти йиллик планни мўлдатдан илгари бажариш учун мустақам замин яратди. Санотимиз 1960 йил планини мўлдатдан илгари бажарди. Етти йиллигининг дастлабки йили йили ичида топириқдан ташқари 11 мингдан 300 миллион сўмлик (янгича нархларда) ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол моллари ишлаб чиқарилди.

Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш соҳасида ҳам талайгина муваффақиятлар қўлга киритилди. Бир қанча районларда оҳу-шо-ва шўфтининг ноқулай келишига қарамастан, умуман мамлакат бўйича 1960 йилда 1959 йилдагига нисбатан кўпроқ дон етиштирилди ва халқ қилинди. Ўтган йили энг майдонлари 6,7 миллион гектар кенгайрилди. Колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети январи Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, камчиликларини тўғатга бориб ва илгорила эришган даражага тенгла-шишга ҳаракат қилиб. Ватанимизда кўпроқ деҳқончилик ва чорвачи-лик мақсулотлари етказиб бериш учун дала ишларига тайёрларини-ни авж олдириб юборилди.

Халқининг фаровонлиги муттасил ошмоқда. Ишчилар ва колхозчиларнинг реал даромадлари ўсмоқда. Ўтган йили мамлакат-мида ҳамма ишчилар ва хизматчиларни қисқартирилган етти ва олти соатлик иш кунига ўтказиш тўғрисида тўғатилди. Тарихда биринчи мар-та ишчи ва хизматчилардан олинганда солиқни бекор қилиш ҳақи-да Қўшма қабул қилинди ва амалга оширилмоқда. Етти йиллигининг бошидан бери шаҳарларда ва ишчи посёлкаларида меҳнаткашлар 165 миллион квадрат метр уй-йўл майдони ёки 4 миллион 600 минг кватирга олдилар. Қишлоқ жойларида эса колхозчилар ва ишчилар шў йиллар мобайнида бир миллион 400 мингдан кўпроқ уй қурил-ди.

Кўп босқичли ракета ва планеталардан автоматик станциянинг яратилиши ҳамда Венера планетаси томон муваффақиятли учури-лиши совет фани ва техникасининг буюк муваффақиятларини бутун дунё олдида яна бир марта намойиш қилди.

Совет хотин-қизлари Ватанимизнинг ана шу ҳамма муваффақ-иятларига катта қисса қўшдилар ва қўшмоқдалар.

Совет Иттифоқида хотин-қизлар давлат ишларида, сиёсий, ҳў-жалик, илмий ва маданий ҳаётида актив қатнашмоқдалар. Улар улуг Октябрь коммунистик революциясининг галабаси учун курашда гўят катта роль ўйнадилар. Улар мамлакатни индустриллаштириш ва қи-шлоқ ҳўжалигини коллективлаштириш соҳасида жуда катта меҳнат сарфладилар. Хотин-қизлар Улуг Ватан уруши даврида фронтда ва фронт орқасида бутун халқ билан биргаликда фашизм устидан гала-ба қозонишни сабот ва фидоночили билан таъминладилар ҳамда урушнинг оғир оқибатларини тўғатишда актив қатнашдилар. Мамла-катимиз коммунизм йўлидан бутун прогрессив инсониятнинг аван-гарди бўлиб бораётган ҳозирги вақтда совет хотин-қизлари коммуни-стик Ватан қудратини янада мустақамлаш ишига ўларининг бутун куч ва билимларини сарфламоқдалар, коммунизмнинг моддий-техни-ка базасини вужудга келтириш учун астойдил курашмоқдалар.

Биз фахр билан қай қиламизки, партия ва халқ коммунизм учун озод ва оғли курашчилар, ўз ватани ва ўз тақдирларининг чинакам ҳўжайини бўлган янгича хотин-қизларини тарбиялаб воғга ет-казди. Янгича жамият қиёсининг гўят гўзал фазилатларини галадан-тирадиган коммунистик меҳнат учун ажойиб ҳаракат қатнашчилари-нинг сафарларида совет хотин-қизлари ҳам муносиб ўрин эгалламоқ-далар. Меҳнат зафарлари билан, коммунизм йўлига чексиз садо-қатлари билан мамлакатимиз шўхратини оширган илгор ишчи ва колхозчи хотин-қизлар умумхалқ ҳўрматига сазовор бўдилар. Улар орасида ишчи-колхозчилик илгирчилари Валентина Гаганова, ияно-волик тўғуви Юлиа Вечерова, Украина ССР, Тернополь областид-аги Сталин номи колхозининг эвено бошлиғи Евгения Дюлюков, Омск областидидаги чўққабакор Татьяна Перешинка. Литва ССР дан чўққа-боқар Она Багдонайте ва бошқа кўпгина хотин-қизлар бор.

Совет ҳўжинати йилларида Қўш Россиясининг собиқ чекка ўла-каридаги хотин-қизлар турмушида тўб ўзгаришлар бўй берди. Ўтмишда «бизнинг», помешчилар ва буржуазиянинг, феодал-бой-лар одадларининг эзилган ва ҳўқуқсиз қўрилари бўлган Урта Осиё, Қўзғотин ва бошқа совет республикаларининг хотин-қизлари энди-ликда янгича жамиятнинг тенг ҳўқуқли ва фидонок қурувчилари бў-либ қолдилар. Совет Шарқининг хотин-қизлари халқ фаровонлиги йўлида қилган ўз меҳнатлари билан ҳўрмат ва шўхрат қозондилар. Ўзбек аёли колхозчи механизатор Турсун Охунова пахта еримида новаторлигини аёйиб намунасини кўрсатди. Ундан илгирларча аёл-лар намуна олдилар. Улар орасида озаббайжонлик колхозчи аёл— пахта териш машинасининг ҳайдовчиси Ковсар Меҳтиева бор. Арма-нистонда сўт соғувчи Ахшен Автисид сўт соғишда юксак кўрсат-кичларга эришиб, ҳўрмат ва шўхрат қозонди.

Ишлаб чиқариш новатори бўлган хотин-қизларнинг таърибаси коммунистик қурилишда хотин-қизлар активлиги нақадар ўзгариш-ининг ақлоқ далилидир.

Маориф ва соғлиқни сақлаш соҳасида, фан ва техника соҳасида, адабиёт ва санъат соҳасида — ҳамма соҳада хотин-қизларимиз сама-лар ва афр ташаббус билан меҳнат қиломоқдалар.

Коммунистик партия ва Совет ҳўкумати совет хотин-қизлари-нинг Ватан олдидаги катта хизматларига юксак баҳо бермоқдалар. Хотин-қизлардан етмиш олти киши Совет Иттифоқи Қўшма уно-вонига сазовор бўлди, 2,874 кишига Социалистик Меҳнат Қўшма уно-вонини берилди, булардан 24 киши «Ўроқ ва болта» олтин ме-дали билан иккинчи марта мўқотланди. Совет хотин-қизларига 1.143.898 орден ва медал топирилди.

Совет хотин-қизлари бутун халқ билан биргаликда мамлакат-нинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида, давлати бошқаришда актив қат-нашмоқдалар. Халқ сайлаган СССР Олий Совети депутатлари ора-сида 366 хотин-қиз бор, 2.500 дан кўпроқ хотин-қиз иттифоқчи ва автоном республикаларнинг Олий Советларига сайланган. Миллион-ларча хотин-қизлар партия, касба союзи ташкилотларининг, ешлар, хотин-қизлар ташкилотларининг, кооператив ва бошқа жамоат таш-килотларининг ишида иштирок этмоқдалар.

Коммунистик партия ва Совет давлати хотин-қизларнинг меҳ-нат ва маъийи широктини яхшилаш учун кўп иш қилдилар. Социал-маданий ҳўжайинларга, маориф, соғлиқни сақлаш, социал таъминот-га, кўп болали ва ёлғиз оналарга нафақа тўлашга ажратилган маблаглар йилдан-йилга кўпайтирилмоқда. Туғуриқоналар, болалар яслилари ва болалар боғчалари, кўчи улайтирилган группалар ва пионер лагерлари кўпайтирилмоқда. 1961 йилнинг ҳандагина бола-лар боғчалари ва болалар яслиларининг ҳўжайини учун бюджет маб-лаглари ҳисобидан 1 миллиард 200 миллион сўмдан кўпроқ ёки

ўтган йилдагига нисбатан 16,4 процент кўп маблаг ажратилди. Бу йил болалар боғчалари ва яслиларида 4.740 минг бола тарбияла-моқда. Мактаб-интернатларнинг тармоқлари анча кенгайтирилди. Бундай мактабларда ўқитилаётган ва тарбияланаётган болаларнинг сони 1961 йилнинг охирига бориб 1 миллион кишига етди. Ёки 1960 йилдагига қараганда 67 процент кўпаяди.

Бизнинг мамлакатимизда оналарга иззат ва ҳўрмат қилинмоқ-да. Совет давлати хотинларнинг болаларни тарбиялаш соҳасида ҳўр-май-толмай қилаётган меҳнатига юксак баҳо бермоқда. 65 мингдан кўпроқ аёл «Қўшма уно» уновоига сазовор бўлди, 7 миллионга яқин аёл «Оналик шўхрати» орденлари ва «Оналик медали» медал-лари билан мўқотланди.

Совет хотин-қизлари сиёсий ва маданий жиҳатдан ўзгаришнинг кўрсаткичи ибратли ўрнак, уларнинг тинч ижодий меҳнат соҳасида ҳўр-май-толмай қилаётган меҳнатига юксак баҳо бермоқда. 65 мингдан кўпроқ аёл «Қўшма уно» уновоига сазовор бўлди, 7 миллионга яқин аёл «Оналик шўхрати» орденлари ва «Оналик медали» медал-лари билан мўқотланди.

Совет Иттифоқининг ва барча социализм мамлакатларининг таърибаси шу нарсани ақлоқ қўрсатиб турибдики, дунёдаги энг инсонлар ва адолатли жамият бўлган коммунистик жамиятга хотин-қизларини тўла озод қилиш, уларнинг озод ва тенг ҳўқуқли бўлишини таъминлаш, ақлоқ, ишчилик ва қишлоқчиликда ҳа-лос қилиш, уларга талантларини ўстириш ва рағбат топиш учун, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда актив қатнашиш учун чексиз имкония-лар очиб бериш мумкин.

Бу буюк ўрнак капиталистик ва мустамлака мамлакатлардаги меҳнатшар хотин-қизларнинг ижтимоий ва миллий зулмдан озод бў-лиш учун олиб бораётган курашларига янгича кўч бағишламоқда. Хо-тин-қизларнинг мустамлака қўлтига, эксплуатация ва зулмга қар-ши, ўз ҳаётий ҳўқуқлари учун, озодлик ва мустақиллик учун, де-мократия учун, социализм ва тинчлик учун мардонавор кураши ўсмоқда ва кенгайламоқда.

Барча мамлакатларнинг хотин-қизлари тинчлик учун, урушга ва афр бериб қуруланишга қарши алоҳида гайрат билан курашмоқ-далар. Улар Совет Иттифоқини, коммунистик лагердаги барча мам-лакатларини, бутун халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатини тинчликни мустақамлаш учун қатъий ва изчил курашчи деб бил-моқдалар. СССРнинг ёлпасига ва батамом, қурулганини тўғриси-даги, шармалли мустамлакачилик системасини тўғатиш ҳақидаги тақлифларини қизини маъқулламоқдалар. Коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Кенгашининг Баёноти, бутун дунё халқларига Мурожати Совет Иттифоқи ва бошқа мамлакатларнинг хотин-қиз-ларига империалистик агресорларнинг уруш бошлаш йўлидаги уришларининг пайини қирқиниш учун янгича кўч бағишламоқда ва хотин-қизларга урушнинг олдини олиш ҳамда бутун дунёда мустақ-кам тинчликни таъминлаш мумкин деган ишонч тўғирмоқда.

Улуг Ватанимизнинг азиз хотин-қизлари, кураш ва меҳнатдаги ўртоқларимиз!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комите-ти қатъий ишондики, совет хотин-қизлари бундан буюн ҳам комму-низм қурувчиларининг олдинги сафарларида борадилар. Улар ленинчи партиясининг XXII съездининг етти йиллик топириқларини мўлдат-дан илгари бажариш учун мамлакатда озиқ-овқат мақсулотлари-ни мўл-қўл қилиш ва совет кишиларининг ҳўжайинларини тўла қон-дириш учун курашда янгича муваффақиятлар билан ишоналдилар.

КПСС Марказий Комитети ишонч билдириб айтдики, хотин-қиз олимлар, инженерлар, техниклар, қишлоқ ҳўжалик мутахассислари фан билан практиканинг алоқасини янада активроқ мустақамлаш-дилар, фан ютуқларини ва ишлаб чиқариш илгорларининг таърибаси халқ ҳўжалигига теозор жўрий қиладилар, санот ва қишлоқ ҳўжалигига илгор таърибларини барча ишчилар ва қишлоқ меҳнат-кашлари ўртасида ёйиш учун ҳамма чораларни қўридилар.

КПСС Марказий Комитети ишондики, маориф ва соғлиқни сақлаш, санъат ва адабиёт ҳодимлари бўлган хотин-қизлар ўз би-лимлари ва ўз талантларини меҳнаткашларнинг коммунистик онгли-гинини ошириш, уларнинг соғлиқни мустақамлаш, ёш аёлдин меҳнатга ва жамоат мулкига коммунистик мўносабатда бўлиш руҳи-да, совет ватанпарварлиги ва интернационализм руҳида, социали-стик жамият қондаларига риоя қилиш руҳида тарбиялаш учун та-ғин ҳам кўпроқ маҳорат ва матонат билан қўлланадилар.

КПСС Марказий Комитети Совет Иттифоқининг барча хотин-қизларини тинчликни мустақамлаш учун бундан буюн ҳам ҳўрмай-толмай курашга, тинчлик ва халқлар дўстлиги улуг идеалларини амалга ошириш йўлида дунёдаги ҳамма тинчликсевар кушларнинг бирлиги ва ишчиликни мустақамлашга қақирди.

Оналар меҳрининг мўқаддас алағаси барча кишилар қалбини тинчлик ва дўстлик учун, болаларининг порлоқ келажига ва бахти учун, ақл ва адолатнинг тантанаси учун курашда илҳомла-тирсин!

КПСС Марказий Комитети партия, совет, касба союзи, комсо-мол ташкилотларини ва ҳўжалик органларини меҳнатшар хотин-қиз-ларининг совет демократиясининг буюк галабаларидан тўла фойдала-на олишлари учун ҳамма чораларни қўришга, оналар ҳақида доимо гамҳўрлик қўрсатишга, она ва мактабнинг ёш аёлдин меҳнатсе-вар, ўқимшли, онгли, Ватанга ва коммунизм ишига садоқатли ки-шилар қилиб тарбиялашга кўпроқ эътибор беришга даъват этади.

Яшасин Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март! Яшасин бутун дунёдаги меҳнатшар хотин-қизлар!

Коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари, тинчлик учун оташун курашчилар бўлган ҳўрмас-толмас меҳнатшар совет хотин-қизларига шон-шарафлар!

Яшасин инсониятга коммунизм йўлини муваффақият билан очиб бераётган Совет Ватанимиз!

Яшасин совет халқи эришган жаҳоншумул-тарихий галабалар-нинг илҳомчиси ва ташкилотчиси Коммунистик партия!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

**1961 йил 5 мартда меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар
Советига бўлиб ўтган сайловнинг яқунлари тўғрисида**

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советига сайлов

ўтказган шаҳар сайлов комиссиясининг

АХБОРОТИ

1961 йил 5 март якшанба куни меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советига депутатлар сайланди. Сайлов ҳамма жойда маҳаллий вақт билан эрталаб соат 6 дан бошланди ва кечас соат 12 да тавом бўлди. Тошкент шаҳар Советига де-путатлар сайлаш сайловчиларининг актив иштироки ва ушўқилиги билан сиёсий ва ташкилий жиҳат-дан юксак даражада ўтди.

Шаҳар сайлов комиссияси ҳамма 464 округ сай-лов комиссияларидан меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советига ўтказилган сайлов яқу-лари ҳақида тўла маълумот олди.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Со-ветига депутатлар сайлашда 599804 сайловчи ёки барча сайловчиларнинг умумий сонига нисбатан 99,9 проценти иштирок этди. 596361 киши ёки



Тошкент тўқимачилик комбинати чига гўл босиш цехининг ўртоқ Р. Насибуллина бошчи-лик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси меҳнатда бошқардаги ўрнак бўлмоқда. Партия-сининг XXII съезди шарафига мусобақани авж олдириб юборган бригада аъзолари халқаро хотин-қизлар куни 8 Мартини — смена топириқларини 116—117 процентдан бажариб, муносиб меҳнат совғаси билан кўтиб олдилар. Суратда (чапдан) бригада аъзолари Л. Алексеева, А. Рих-валова, Х. Нурхонова, Н. Каримбова, бригадир Р. Насибуллина, В. Шатова ўртоқлар.
И. Глауберзон фотоси.

ФАН САМАРАЛАРИДАН ХАЛҚ, ВАТАН БАҲРАМАНД БЎЛСИН!

(РЕСПУБЛИКА ОЛИМЛАРИ
АКТИВНИНГ ЙИГИЛИШИ)

<>

КПСС XXII съезди остоналари-да Ватанимиз олимлардан кутаёт-ган янгича ҳисса тўғрисида бама-лаҳат гаплашиб олиш учун Ўзбе-кистоннинг энг яхши фан арбоб-лари кеча (7 мартда) Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида тўпландилар. Оқ колонна-ли катта зал республикадаги 118 тадқиқот муассасаси ва ўттиз олий ўқув юртининг жуда кўп вакиллари билан лиқ тўлди. Ахир ҳар бир институт, ҳар бир лаборатория, ҳар бир таъриб станицияси съезд-га ўз совғасини тайёрламоқда.

Республика олимлари активи йи-гилишининг каттақиллари содиқ ленинчи ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчи КПСС Марказий Комите-ти Президиумини йиғилишининг фахрий президиумига сайлаш ҳа-қидаги тақлифни гўлдорлар қарсан-лар билан кўтиб оладилар.

Президиумда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюро аъзолари М. А. Абдуразақов, О. А. Алимов, Г. А. Габриелини, Г. Ф. Наймушин, В. С. Насрид-динова, З. Р. Раҳимбоева, Ф. Е. Титов, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюро аъзолари кандидатлари И. П. Бурмистров, К. М. Муртазоев, Ўзбекистон ССР министрлар совети раисининг ўринбасарлари С. О. Азимов, Н. И. Худойбердиев, таълиғи фан арбоблари ётиридилар.

«КПСС Марказий Комитети ян-вар» Пленумининг яқунлари ва республика илмий ҳодимларининг «вазифалари» тўғрисида Ўзбеки-стон КП Марказий Комитетининг иккинчи секретари Ф. Е. Титов доклад қилди.

КПСС Марказий Комитетининг январи Пленуми мамлакатимиз ич-карида ва ундан ташқарида кенг маъқуллаган буюк воқеа бўлди. дейди докладчи. Пленум қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришини яна-да кескин суратда юксалтириш-нинг, коммунизм моддий-техника базасини теозор қўнғузда келти-риш учун жуда бой имкониятла-римиз ва резервларимиздан тўла фойдаланишнинг улғувор про-граммасини белгилаб берди.

Ленинча миллий сиебатини изчил-лик билан амалга ошириш, пар-тиямиз Марказий Комитети ва Со-вет ҳўкуматиининг диний ёрдами тўғрисида Ўзбекистоннинг эконо-мик ва маданий йил сайини мустақамлашмоқда, умимиттифоқ меҳнат тақсимотида унинг роли ўсиб бормоқда. Бунда республика илмий ҳодимлари армиясининг ҳи-зматчи оғмас.

Хозирги кунда ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, шонли зиёли-ларимиз партия съезди шарафига бошланган умумхалқ мусобақасида ўзлари учун кўнкрет марраларни белгилламоқдалар. Докладчи КПСС Марказий Комитетининг январи Пленуми муносабати билан олим-лар олдида турган асосий вазифа-ларини батафсил анализ қилиб бе-ради.

Бутун совет пахтачилигининг ривожланиш учун фан ва тех-ника аҳмисига-катта масъулият юклаган. Асосий эътиборини ни-мата қаратиш керак?

Биринчидан, деҳқончилик мада-ниятини оширишга эътибор бериш керак. Жумладан, биз тўпқорчи тайёрлашнинг пухта ишлаб чиқиш-ган системасига эъа эмасмиз. Пах-тазорларда ўқитиш масалалари-да ҳали кўпгина чатоқчиликлар бор, сўғирчи маданияти паст бўлиб қолмоқда. Ана шу ва бошқа муҳим проблемаларни кичик ер

қийот ишларини мамлакатда халқ маорифини яхшилаш тўғрисидаги Қўнғула мувофиқ қайта қуриш юзасидан бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Янгича факультетлар, кафедралар, проблем лабораториялари ташкил қилинди. Ишлаб чиқариш билан боғлиқини мустақамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўқув планига 28 янгича ўқув фанлари киритилди, ишлаб чиқариш практикасининг мўддати оширилди.

СоюзНИХИ директориининг ўрин-басари М. А. Белоусов пахта етиштириш агротехникаси усулларини тақомиллаштириш устида олиб борилаётган тадқиқот ишлари ҳақида таърибди.

— Институтимизнинг ишчи қат-тиги ва кескин танқид қилинди — дейди чорвачилик институтининг директори Е. М. Еришова. — Кол-лектив аҳволи тўғрисида учун чо-ралар кўришмоқда. Таърибба базаси, кўрсаткичи яхшиланиди, сўт соғиш станоклари тақомил-лаштирилди. Институт чорва мол-лар сонини кўпайтириш, ситирлар-нинг мақсулдорлигини ошириш ва қисир қолқинини қайтариш йўли билан сўт етиштиришни кўпайти-риш проблемаси устида иш олиб бормоқда. Ём-хашак базаси соҳа-сида дон эгиллари ҳосилдорлигини икки баравар кўпайтиришга, озуқанинг тўқлиқ ҳўсусиятларини оширишга ҳаракат қилолмоқдамиз.

Ўртоқ Еришова наслиқлик ишнинг ташкил этишда жиддий намчи-лардан бориғини айтди.

Коммунистик меҳнат бригада-сининг раҳбари Вадим Мельников «Ташселим» заводининг кўп минг кишилик коллективни номи-дан республика олимларини таб-риклди. Унинг бригадаси автома-тизация даражаси юксак бўлган участкада ишламоқда. Завод XXII съезд шарафига пландан ташқари 300 пахта териш машинаси бериш мажбуриятини олди.

— Олимлар билан ишчилар тез-тез учрашиб турсалар яхши бў-лур эди, — дейди ўртоқ Мельни-ков. — Биз пахта териш техника-сини ва ишлаб чиқариш методла-рини тақомиллаштиришда олим-лардан ёрдам кўтамиз.

— КПСС Марказий Комитети Пленумининг материаллари илмий ҳодимларнинг академик тўғарак-ларидан ва семинарларида муста-сал ўрганилмоқда, — деди Самар-қанд давлат университетининг ректори А. Т. Тулаганов. — Айни бир вақтда партия-комсомол актив-ини Пленум қарорларини санот корхоналарида, областнинг колхоз ва совхозлардада пропаганда қило-моқда. Пленум қарорлари илмий тадқиқот ишларида ҳам ўз ифода-сини топтомоқда.

Нотик факультетлар ва кафедра-ларнинг фаолиятидаги асосий йў-налишларни батафсил харақтерлаб берди, ишлаб чиқариш билан боғ-лиқини қандайдиклиб мустақам-лашаётганлиги ҳақида гапирди.

Йиғилишда Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти-нинг директори Б. А. Мавлонов, Тошкент молия-иқтисод институ-тининг директори М. М. Қориев, Ўзбекистон ССР Фанлар акаде-миясининг биринчи вице-президенти С. В. Стародубцев, Ўзбекистон Қишлоқ ҳўжалик фанлари акаде-мияси Экономика институтининг директори К. И. Лапин ҳам сўзга чиқдилар.

Йиғилиш каттақиллари гўят баланд руҳ билан КПСС ленинчи Марказий Комитетининг КПСС Ма-казий Комитетининг Ёшлар сек-ретари Ўртоқ Н. С. Хрушчевга таъриб хати қабул қилдилар.

Е. ЕФИМОВ,
Е. МАЙОРОВ.
(ЎзТАГ муҳбирлари).

Гарбий ва Шарқий Сибир қишлоқ ҳўжалик илгорларининг кенгаши очилди

НОВОСИБИРСК. 7 март. (ТАСС) Бутун бй ерда Гарбий ва Шарқий Сибир қишлоқ ҳўжалик илгорларининг кенгаши очилди. Кенгаш ишда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Ра-исини ўртоқ Н. С. Хрушчев қатнаш-моқда. Кенгашга КПСС Марказий Комитети РСФСР бюроси раисини РСФСР Министрлар Советининг раисини Д. С. Полянскийлар ҳам келди.


Новосибирскда Сибирнинг турли районларидан келган 2 минг киши Россия Федерациясининг шу зо-насидаги колхоз

ЭКИШГА ҲОЗИРДАН БОШЛАБ ПУХТА ТАЙЁРЛАНАЙЛИК!

Шубҳа йўқки, Тошкент области-
нинг хотин-қизлари барча меҳнат-
шлар билан бир қаторда ўзла-
рининг бутун куч ва ғайратларини
ИСС Марказий Комитети январь
тенуми қарорларини шараф би-
ни бажаришга, Совет Иттифоқи
коммунистик партияси XXII съез-
ди муносиби кўтиб олишга са-
мимий қўшилган.

КОММУНИЗМНИНГ ИСТЕЪДОДЛИ ИЖОДКОРЛАРИ

Толмас меҳнаткаш, коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари, тинчлик учун оташин курашчилар бўлган совет хотин-қизларига шон-шарафлар!



Суратда: илгор хотин-қизларимиз. 1. Тошкент тўқимачилик комбинатининг ип йигирувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Марҳамат Пўлдошева. 2. Мавсумда 200 тоннадан ортиқ пахта терган, Юқори Чирчиқ районидagi турсуночи механизатор Хурбун Абдуқодирова. 3. Янгйўл районидagi Киров номи колхоз трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи Анна Дмитриевна Полонина. 4. Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Фотима Қурбонова. 5. Тошкентдаги «Қизил шарк» фабрикасининг илгор ишчиси, қаҳрамон она Жамол Нурмухамедова.

БАХТ ДЕРЛАР БУНИ...

Шинам хона. Харёқ саришта. Сарвар хола ўтирар тўрда. Хордиқ ёзар. Болши ёношда. Кўларин шод, ярқираб нурдан. Бахт дерлар буни.

Қанотланур она хаёли, Ўтмиш сари қилар саёҳат. Зулмат... таҳдир... ҳар юрак доғли.

Энди-чи! Тонг... бир умр роҳат! Бахт дерлар буни.

Она шодон. Меҳр гуллари Букун бўлди халқига манзур. Бир солса йўл космос сари. Бир чўлда ундирди дур. Бахт дерлар буни.

Она учун иззат-эҳтиром. (Кесалиннинг будир зийнати). Умрин беэаб фароғат, ором. Ёшартар бол ҳаёт тоти. Бахт дерлар буни.

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА.

Хотин-қизлар университети

ОЖОНКИДЗЕ район хотин-қизлар маданият университети. Тинчлик йилида бўлиб ўтган машғулот ишчилик темасидаги савол ва жавобларга бағишланди.

— Юрак касалини даволаш йўллари ташкилот беришга, — илтимос қилиб олдинги қаторда ўтирган бир жувон.

Юрак касалиларини даволаш мутахассиси, олимани профессор Зулфия Умидова жувоннинг саволга батафсил жавоб қилди ва медицинанинг кейинги ютуқларидан бири юракни операция қилиш йўли билан ҳам даволаш ахши натижа бераётгани ҳақида сўзлаб берди.

Университетнинг ташкил этилганга оз вақт бўлди. Аммо район хотин-қизлари анш шу вақт ичида «Коммунист жамият қурилишида хотин-қизларнинг роли» «Нарх ва оила», «Оилада бола тарбияси» сингари бир неча темаларда мазмунли машғулотлар ўтказилди. Бугун улар «Районимиз хотин-қизлари» темасида машғулот тайёрланган.

Х. ТУРДИЕВА.

Онамга тухфа

Йўллари тўшаб поёндоз, Сени кутлар бебаҳо кунлар. Шоҳи либос кийиб яроқлар, Она, сенинг мадҳининг куйлар. Нурга чўмган байрам тониди Бахт нафаси парлар чехрангиди. Табрик этиб сени онажон Мен шеъримни этай тугдаста.

Хури МУХАММАДСОДИҚОВА.

ХАЛҚ СОҒЛИГИНИНГ ПОСБОНИ

ТОШКЕНТ кўчаларининг переулук, тушук, проезд, массивлари кўп. Қўлган ихчамлиги иш суммасини кўтариб олган ўрта бўй ишчи гавдаси, ёқимтой жувон ана шу проездларнинг бирига келди-да, ишчини тақиялади. Ичкаридан чиққан кеска киши:

— Келинг, келинг баранка топур болам. Сизни жуда овоза қилиб қўйдик-да. — Ҳам сенинг, ҳам хижолатомуз га-лирди у.

— Зарари йўқ, Ўғлининг ту-зунми? — сўради жувон.

Кроветда дард зўридан ран-гани анча олдириб қўйган ёш-гина йигит етарди. Жувон оқ халатини кийиб олган, беморни сиқиниб кўрди. Қол-аҳол сў-ради.

— Анча дурустман, энди ўқини бошласам, доктор, — деди бемор жувонга меҳр тўла кўзларини тикиб.

— Хали эрта, ука, ана би-роз кувватга кириш керак, — деди врач ва беморга касал-лиқдан оғир тедада юриб кетиш зарари эканини ётиги билан тушунтирди.

— Садаганг кетай, қизим, майли ўғлим обдан тузалиб кетсин, ана неча кун ётса бу-ларкин? — врачга мурожаат қилиб мўйсайди.

— Яхши, тетикланиб кет-гандан сўнг. Шуни тайинлаш учун атайин келдим, ана бу кувват доридан ичиб турсин. Ана ўзим келиб хабар оламан. Аёл кўчага чиқиб, ана бош-қа переулукка қайрилган экан, «қўшқанда қўлиб кетадиган бўл-ди бечора бола, отаси ҳам шун-ча йўлда келибди. Эҳ, ёшлар, сира ўзларини ахтиёт қилиш-майди-да» дея, студентга ачи-нард.

Бу бемор йигит САЭПИ сту-денти, у ич терлама касаллиги билан оғриб, нечагина касал-хонадан чиққан эди. Боласи-нинг касаллигидан дарак топ-ган отаси, олисдан тедада Тош-кентга етиб келди. Шовиш қол-ган, ота тўғри 2-поликленика-га борди ва аҳолини врач Му-камбар Қориевага тушунтирди.

— Ўғлини бир кўриб қўй-сангиз, — деб илтимос қилди. Мана уч кундан бери иш соатидан ташқари вақтда врач ота-боладан хабар олиб ту-рибди.

Мукамбар она йўлида давом

этаркан, «ҳамон шу тарафга келдим, кел, ана бир кўртал-жор, Изаковни ҳам кўриб ке-тақолай» деб ўйлади. Беморни кўриб, қўлган тинчиб кўчага чиққанда қоронғи тушган эди.

У соф ҳаводан йўлиб-тўйиб на-фас оларкан, ҳоригани, очиқ-қанини сезгандай бўлди. Аммо ўси тетик эди. Унинг қўлоқла-рида хозиргина айтилган «сизга чин қалбимдан катта раҳмат, умрингиз узоқ бўлсин» сўзлари жаҳанглаб турарди.

Бу шифокор учун катта бахт! Умрининг салкам 20 йи-лини кишиларнинг соғлигини сақлашдек шарафли хизматда ўтказиб келадиган бу меҳрибон врачнинг ҳар куну ана шундай сермазмон, самарали ўтади. У бугун поликлиникада 30 га яқин беморни қабул қилди, 8 касални уйига бориб кўрди.

Агар сиз Мукамбар онага хизматларингиздан гапириб берсангиз десангиз, у шулар-ни айтиди: ахир, мен нима хизмат қилибман, бу ерда фа-қат илтимом етдим, холос. Ёи-лесизми, ёшларимиз, энди ки-чинча синфда ўқитганимда қўшнимиз, ўртоғимнинг отаси тўсатдан қаттиқ оғриб қолди. Бечора қиз отам ўлиб қолганди деб қаттиқ йиғласам, мен ҳам қўшилиб йиғловдим. Бир вақт тез ёрдам машинаси келди-да, ундан оқ халат кийган бир аёл, ана бир киши тушди. Аёл бе-морни кўрди, тедада биринчи ёр-дам кўрсатди. Дугонамнинг ота-си анча енгил тортиб, аёлини очди, шунда дугонан иккимиз ҳам сенинчадан қичқириб юбор-дик. Бу воқеа менга жуда қат-тиқ таъсир қилган бўлса ке-



Ўртоқ М. ҚОРИЕВА.

рак, шу кундан бошлаб, ана шу оқ халат кийган аёлдай бўлиш нияти бўлган аўжудимни чул-ғаб олди. «Ниятинг-йўлдошинг» деб шуни айтди-лар-да, ушанда мен ҳам уйма-уй юриб, бемор-ларни даволасам деган ороуда эдим. Мана, ахши ният рўёбга чиқди.

Дарҳақиқат Мукамбар она ТашМини битирди. 1942 йил-дан бери участка врач бўлиб ишлайди. Бу жамоатчи аёли бир неча бор маъмурий ишлар-га тайинлашмоқчи бўлганда ҳам у «йўқ, мен шу касбимни жуда севаман, бу ишда ҳақиқий врач жуда кўп тажриба ортиради, бу мустақил иш кишини чиниқ-тиради» деб қўшмаган эди.

«Қадрли Турсунои Оху-нова!»

Сизнинг пахтани машина-да териш соҳасида эришган муваффақиятларингиз да н жуда хурсандман. Сиз пах-та териш машинасида иш-лай бошлаган, уни яхши ўр-ганиб, юксак меҳнат унум-дорлигига эришган биринчи ўзбек аёлисиз. Сиз маши-нада 322 тонна пахта те-рибсиз. Бу эса, 160 киши-нинг оғир кўл меҳнати ўр-нини босади.

Сизнинг муваффақиятла-рингиз яна шу жиҳатдан ажойибки, Сиз барча ўзбек хотин-қизларига ва Совет Иттифоқининг бошқа рес-публикаларидagi хотин-қизларга яхши намуна кўр-сатдингиз, ана шу респуб-ликаларда ўтмишда ислом-динининг таъсири кучли эди, хотин-қизлар зулм ос-тида қолган эдилар, эркак-лар хотин-қизларга нисба-тан устун туради, деган фикр кишиларнинг онгига сингдирилган эди. Бу ерда хотин-қизлар оғир ишлар-нинг қаммасини бажарар эдилар, улар кетмон билан ишлаб, минг-минг тонналар пахтани ўз елкаларида та-шир эдилар».

Н. С. ХРУЩЕВ.

БАХТИМНИ МЕҲНАТДА ТОПДИМ

Б ИНОКОР бўлман деганимда, ай-рим дугоналарим мени назар ҳам қилишди, «қиз бола сениг бинуюк бўлишинг нима ҳолати бор», деган та-навларни қўлаб эшитдим. Лекин уларни пинанд қилмадим. Аҳлини янгила охи-рига қатъий бел боғладим.

Шу вақт Чиланзор массивида кенг кў-ламли қурилиш ишлари олиб бораётган, ливия эшитиб, бу ерга келдим. Мени кх-ши қарши олишди. Сувочилик қилаб-лазми.

Чиланзор массиви кун сайин кенгайиб, қўрқиниб бормоқда. У ерда қўлаб ўй-жоллар, мактаблар, болалар боғчиси ва ишлари, кутубхона ва кироатхоналар, медицина муассасалари ва савдо тоқа-лари пайдо бўляпти. Шунинг ку-вочилики, Чиланзор массивида қури-лиш ишлари лоидҳасини қилган аритек-торлар ҳам хотин-қизлар. Улар Ина Го-леева, Ольга Газенкоф ва Ирина Де-ченскаялар тушган.

Политехникунинг кўриб бўлиб қолади-ган масис қурилишига оз бўлса ҳам хис-са қўшаётганлигидан хурсандман. Минг-лаб хотин-қизлар қатори мен ҳам ўз бах-тимни меҳнатда топдим. Шу тўғриси ко-лектив орасида оғир қозондим. 3 март маҳалли Советларга ўтказилган сессияда мени Тошкент шаҳар Советига депутат қилиб сайлашди, халқимизнинг бу катта ишончини оқлаш учун астойдил ҳаракат қилман.

Л. САТТОВА, «Крупнопальцевский» комбинатининг сувочиси.

«Ҳамма цивилизация-ли мамлакатларда, ҳаг-то энг илгор мамлакат-ларда ҳам, хотин-қиз-ларнинг аҳоли шундай-ки, уларни уй чўриси деб аташлари бечиз эмас. Биронта ҳам капи-талистик давлатда, ҳаг-токи, энг эркин респуб-ликада ҳам, хотин-қиз-лар тенг ҳуқуққа эга эмаслар.

Совет республикаси-нинг вазифаси — бирин-чи навбатда хотин-қиз-ларнинг ҳуқуқларини камситадиган барча чек-лашларни йўқ қилиб ташлашдир... Револю-циянинг муваффақият қозониши бу революция-да хотин-қизларнинг на-қадар иштирок этишла-рига боғлиқ эканлиги барча озодлик ҳаракат-ларининг тажрибасида кўрилган. Хотин-қизлар ўзларининг пролетарча социалистик ишларини ўзлари мустақил сурат-да олиб боришлари учун Совет ҳокимияти барча чораларни кўрмоқда».

В. И. ЛЕНИН.

ШАРАФЛИ НОМНИ ОҚЛАЙМИЗ

Д АВРИМИЗ нақадар гўзал, нақадар ширин. Ҳаётимиз кишилар калбига битмас-туганмас сениг ва қувонч олиб келмоқда. Мен ҳам шу ҳаёт гуш-нада ўзимни жуда бахтли ҳис қиламан. Бундай ҳаётни жонжон Коммунистик партия яратиб берди.

Бизга берилган битмас-туганмас ҳуқуқ-лардан бири меҳнат қилшлар. Қайси био-соф икканда, тани сор киши илаланин хоҳламайд, дейсан! Қўлар қатори мен ҳам ана шу вақтда меҳнат кучига отла-дим. Фабрикада тикуччи бўлиб ишлап-ман.

Бригаданим коммунистик меҳнат брига-даси номини олиш учун бошланган умум-халқ ҳаракатига қўшилган эди. Хар бири-миз тошчиқини сиқиб бажариб, ҳуқуқ-ахдоқа бошқарувга ўрнатилган, комму-низм кишиларнинг фаилатларини яғалашга

аҳд қилдик. Бир ёқдан бош чиқариб иш-лаш натижасида нормани 130 процентга етказиб ало эта бошладик. Бир кунда 330-350 костюмни қўлда чикараямиз. Яқинда қувончли воқеа юз берди. Фаб-рика маъмурияти, партия ва касба союз ташкилотлари бригаданимизга коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли ном бе-ришди. Бу, гапирганимизга-гапрат қўшиб юборди.

Бригаданим хотин-қизлардан иборат. Улар бутунги байрамларини муносиб ку-либ олашмоқда. Етти йиллик учинчи йилнинг ўтган ойлари ичда қўшма равишда юзларча костюм тикиб, 8 Мар-га муносиб тухфа тайёрладик.

М. КАЮМОВА, Тошкентдаги 1-тикуччилик фабрикаси коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси.

ХОТИН-ҚИЗЛАР СОВЕТИ

МАЪЛУМКИ, Чирчиқ шаҳрининг барча меҳнаткашлари комму-нистик меҳнат шаҳри номини олиш учун курашмоқдалар. Бунда шаҳарнинг фидокор хотин-қизларининг ҳам ҳиссаси катта. Шаҳарнинг қайси саноат корхонасига борманг, у ерда комму-нистик меҳнат зарбодан деган юксак номин олиб, шараф билан меҳ-нат қилаётган илгор хотин-қизларимизни кўриб қувонсангиз, Чирчиқ киме комбинатидagi коммунистик меҳнат зарбодан номин олган Н. Машкуроева, Л. Ходячина қабилдор ишчиларимиз шулар жум-ласидандир.

Чирчиқ шаҳар хотин-қизлар Совети ўз атрофига шаҳардаги 11 та хотин-қизлар Советини бириштирган. Бу хотин-қизлар Со-ветининг 175 аъзоси бор. Чирчиқ шаҳар хотин-қизлар Совети томони-дан хотин-қизларимизнинг меҳнатда катта кўрсаткичларга эришиш-лари учун барча шароитлар яратиб берилган. Уларнинг маданий дам олишлари учун клублар, кутубхоналар, маданият саройлари ях-ши ишлаб турибди.

Яқин орада шаҳарда иккита 200 ўринли болалар боғчаси, ик-кита 200 ўринли болалар ялсини ишга тушиб, меҳнаткашларимиз болаларига хизмат қилапти. Хотин-қизлар Совети бу соҳада ўзининг катта ҳиссасини қўшди.

Шаҳар хотин-қизлари КПСС нияг навбатдаги XXII съездини муносиб кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилиб, катта натижа-ларга эришмоқдалар.

Чирчиқ шаҳар икжона комитетининг раиси, СССР Олий Совети депутаты.

Гавҳар ҲАЙДАРОВА,

НАЖОТКОР АЁЛ

ХОЗИРГИНА обхонди туга-тиб, ўз кабинетидида бир даста касаллик тарихини кўздан кечириб ўтирган аёл қўлидаги бир аниқтага: «Ба-тамом соғайди. Меҳнат ко-билиятига эга» деган сўзлар-ни ёзар экан, чехрасида та-бассум пайдо бўлди. Шун-да у бундан бир неча кун олдин касалхонага келтирил-ган аёлнинг оғир аҳолини кўз олдида келтирди. Бемор: «Син-гилжон, беш фарзанднинг он-асиам, болаларим хали ёш, иш қилиб...» дедди-ю, уёғини ай-толмай, кўзига жикка ёш ол-ганди... Бугунчи, худди шу аёл бутунлай соғайиб, фарзандлари олдида келтипти.

Аёл ўз нажоткори билан ха-йрлашаркан:

— Тузукман, доктор, қўли-гиз дард кўрмасин, раҳмат сингил, — деди чин қалбидан чикариб.

Тошкентдаги 1-касалхона-нинг врач-терапевти Тўхта То-жиева бундай миннатдорчилик-

ларини ўзининг чорак асрлик меҳнат фаолиятида жуда кўп эшитган.

У врачлик касбини ағалла-ган 1935 йилдан буюн врачлар қаерда жуда зарур бўлса, ўша ерда ҳозир бўлди.

Термиз, Ховос, Бекобод ша-ҳар касалхоналарида ишлади. Улуғ Ватан уруши йилларида металлургия хизматида бўлди. Шунинг учун ҳам унга «Соғ-лиқни сақлаш аълочиси» унво-ни берилган.

Партия ва ҳукуматимиз Тўх-та Тожиенанинг аҳоли саломат-лигини сақлаш соҳасидаги кат-та хизматларини тақдирлаб, яқинда уни Меҳнат Қизил Бай-роқ ордени билан мукофот-ладди.

Шу улуғ айём кунда сиз-нинг инсон саломатлигини сақ-лашдек улдувор хизматларин-гизга муваффақиятлар тилай-миз, байрамнингиз кутубрак бўл-син, Тўхтажон она!

Ф. ТОШМАТОВА.



Суратда: Чиноз районидagi 4-«Вревский» наслилик совхозининг илгор сут соғувчилари (чап-дан) Ф. Маймакова, М. Мардашина, Т. Степакова, (иккинчи қаторда, А. Орпнова ва В. Смирнова ўртоқлар.

сут соғувчилари (чап-дан) Э. Екубова, Х. А. Аббасова, Фотима.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ»

3-БЕТ, 8 МАРТ, 1961 ЙИЛ.

А. А. Громиконинг Нью-Йоркда бўлиши

НЬЮ-Йорк, 7 март. (ТАСС). БМТ Бош Ассамблеясининг XV сессиясида совет делегациясининг бошлиғи, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико 6 мартда Куба ташқи ишлар министри Р. Роани қабул қилди ва у билан суҳбатлашди.

Куннинг иккинчи ярмида А. А. Громико Гана президенти Нкрума билан учрашди ва суҳбатлашди.

УЛАР ВАТАНПАРВАРЛАР ТОМОНИГА УТДИЛАР

ХАНОЙ, 6 март. (ТАСС). Нго Динь Деминг диктаторик режимга қарши халқаролик ҳаракати кенгаймоқда. Бу ҳаракатда Жанубий Вьетнам армиясининг ҳарбий хизматчилари ҳам қатнашмоқда. Масалан, Лонг — Бетон ва Шау-Док виллояларида солдатларнинг икки гуруҳлари ватанпарварлар томонига ўтди.

Руминияда сайлов

БУХАРЕСТ, 6 март. (ТАСС). Руминия Халқ Республикасининг шаҳар ва қишлоқларида халқ ҳокимиятининг олий ва маҳаллий органлари — Буюк миллат мажлиси ва халқ кенгашига сайлов овоз бериш банд руҳ ва катта активлиги билан ўтди.

Ишчилар, деҳқонлар, ҳарбий хизматчилар, хотин-қизлар ва эркаклар, ёшлар ва катта ёшдаги кишилар ўз сайлов ҳуқуқларидан актив фойдаланиб, халқ демократияси фронти кандидатлари учун овоз беришга қўл урди. Халқ демократияси фронти марказий кенгашига мамлакатнинг ҳамма қисмида хабарлар келиб турибди.

Республика меҳнаткашлари бу кунни меҳнатда янги муваффақиятлар билан, ишлаб чиқариш топшириқларини тўла ва ошириб бажариш билан қўтиб олдилар. Хунедоар металлургия комбинатида Социалистик Меҳнат Қўрамоли Штефан Тришча бошлиқ пулат аритувчилар бригадаси бир кечада пландан ташқари 100 тонна пулат эришти, сменадан тўппа-тўғри овоз беришга келди.

Добруж областида эрталаб соат 9 гача ҳамма сайловчиларнинг қарийб 45 проценти, Бамат ва Брашов областларида ҳамда Марамуреш автоном областида 33 — 34 проценти овоз берди. Бухарест, Арджеш, Кришчан ва бошқа кўпгина областларда соат 18 га бориб, сайловчиларнинг 96—98 проценти овоз бериб бўлди.

Сайлов румин халқининг катта байрами бўлди. Бутун кун давомида майдонларда ва кўчаларда, сайлов участкалари олдига музика ва қўшиқлар янгради, бадий ҳаваскорлик коллективларининг концертлари бўлди.

Буюк қўбузчи юбилейи олдида

Ўзбекистон Ёзувчилар союзида Украина адабиётининг классиги Тарас Шевченко вафотининг 100 йиллигига бағишланган тантаналар ўтказилиши юзасидан тузилган комиссиянинг мажлиси бўлди.

Ҳозирги вақтда республиканинг ҳамма областларида ана шу муҳим воқеа муносабати билан катта тайёргарлик ишлари олиб борилаётганда. Республика бадий адабиёт нашриёти Тарас Шевченконинг икки томлик танланган асарларини ўзбек тилида нашр этди. Бу томларга унинг энг яхши шеърлари, «Катерина», «Гайдамак» поэмалари, «Варна», «Княгиня», «Музыкачи», «Гадой», «Княгиня» повестлари ва Шевченконинг бошқа машҳур асарлари киритилди.

Навоий номидаги кутубхонада буюк Ўзбекистон ёзувчининг ижодий йўллари ҳақида ҳикоя қилишчи юбилей виставкаси ташкил қилинди. «Шарқ юлдузи» ва «Звезда Востока» республика адабий журналларининг Шевченко ижодига бағишланган махсус сонлари чиқарилади.

Т. Г. Шевченко вафотининг 100 йиллигига бағишланган тантаналар 10 март кунин Тошкентда Свердлов номида концерт залида ўтказилди. Ўзбекистон давлат филармониясининг артистлари катта концерт тайёроқларидан. Концерт программасига Тарас Шевченко асарлари, украин халқ классик музикаси киритилган. Кинотеатр экранларида «Шевченко» номли бадий фильм кўрсатилади. (ЎзТАГ).



Суратда: 19-магазин ҳузурида ташкил қилинган штапель газла-малар виставкасида.

А. Абалия фотоси.

Бу газламалар Ивковода тўқилган

«Таштекстильшвейбуэторг»га қарашли кўпгина магазинларда Ивковода тўқилган чийдан чиққан газламалар билан савдо қилинади. Тошкентлик харидорлар ивководликлар юбортан хилма-хил штапель газмолларини айниқса севиб олади.

Октябрь колхоз бозори территориясига жойлашган 19-магазинда Ивковода облатидан келтирилган штапель газмоллар виставкаси ташкил қилинди. Виставкага 120 хил гулли штапель газмоллар кўрсатилади. Шу магазиннинг ўзида эса 180 хил штапель газламалар билан савдо қилинади.

Виставкани ташкил қилишдан мақсад — дейди магазин консультанти Тўхта Абдуллаев, — харидорлар талабни ўрганишдир. Биз виставкани келиб кўраётганларга қарай рағбат ва гуллар қандай бўлган штапель газламалар манзур бўлишини билиб олоқдамиз. Харидорлар ҳам ўз фикрларини тақдирларига эриб қолдираётлар. Биз бу фикрларни ивководлик тўқимачиларга етказамиз. Улар штапель газмоллар ишлаб чиқаришни планлаштиришда ана шу талабларни ҳисобга олади.

Виставка ташкил қилиниши муносабати билан магазинда штапель газламалар билан савдо қилиш обороти ҳам қарийб икки баравар ошди.

Оташин революционер хотирасига атаб

Пойтахтнинг Қорамурт қўлида оташин революционер ишбонлари шу ерда жойлашади. Ҳайкал атрофи кўркам хивон, катта майдон бўлади.

Ҳозир ҳайкалнинг постаменти тайёрлаб қўйилди. Ҳайкални ишлаш учун Тошкентга Ленинград шаҳридан мутахассислар келди. Бу ерда қурилиш ишлари шу йил охиригача тавомланади. Бу ишга 300 минг сўмга яқин маблағ ажратилган.

Бўлажак Киров майдони пойтахтимизнинг энг ҳушманзара жойларидан бири бўлиб қолади.

Москвалин мутахассислар билан ҳамкорликда

«Қизил тоғ» тўқувчилик фабрикаси коллектив икким-кечаларнинг янги иш мавдларини ўзлаштириш, ўзига йилга фабрикада эркак ва аёллар, болалар пальталарининг 90 хил модели ўзлаштиришга эди. Бу йил тўқувчилик икким-кечаларнинг 110 дан ортиқ моделининг ишлаб чиқаришга жорий қилинади. Шу қушларда фабрикада эркаклар учун сифати анча яхшиланган, ҳушбичим демисон пальталарининг 3 та янги модели ишлаб чиқарилаётган.

Қорона маъмурияти икким-кечаларнинг янги, харидорлар моделининг Москва шаҳридаги моделар уйида олиб туради. Янги моделларнинг тақдирини Москва шаҳридаги мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидаги савдо ташкилотларига вақтлар бериб-кейи турадилар, ўзаро фикр алмашадилар.

Фабрика коллектив халқ ахтиёжларини ўрганиб, унга керакли икким-кечаларнинг энг яхши моделининг ишлаб чиқилиш мақсадида бир неча жойда виставкалар ташкил қилишга ҳам қарор қилди.



8 МАРТДА

19.00. Халқаро хотин-қизлар кўнга бағишланган тантанали кеча олий кўрсатилади.

21.00. Сўнгги ахборот.

21.20. «Ўзбекистон хотин-қизлари» — телевизион журнали.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ 26-ШАХМАТ БИРИНЧИЛИГИ

Шахмат бўйича Ўзбекистоннинг 26-биринчилиги мусобақалари бoшланди. Ленинск, Ўргенч ва Тошкент шаҳарларида яримфинал ўйинлари ўтказилмоқда. Бунда областлар, Қорақалпоғистон АССР ва Тошкент шаҳри турнирларининг ғолиблари бўлган 42 кучли шахматчи қатнашаётган.

Яримфинал мусобақалари 20 мартдан 5 ғолиб ҳамда спорт мастерлари А. Грушевский ва М. Муҳитдинов финалга кўчирилди. Финал ўйинлари Ўзбекистоннинг 1961 йилги чемпиони аниқлаб беради. Финал мусобақалари 5—25 майда Самарқандда ўтказилиши қарор қилинди. (ЎзТАГ).

ГАНА ФУТБОЛЧИЛАРИ НЕЛАДИ

1961 йилнинг ёзида Гананинг энг кучли футбол командаси — «Блакстар» Совет Иттифоқига келади. Бу Африка футболчиларининг Европа бўйлаб қиладиغان биринчи сафари бўлади. 8 июнда Гана спортчилари Тошкентда «Пахтакор» футбол командаси билан ўртоқли учрашувини ўтказадилар. (ЎзТАГ).

БИЛДИРИШ

Тошкент области ижроия комитети области Советининг депутатларига маълум қиладики, шу йил 10 мартда меҳнаткашлар депутатлари области Советининг VIII чақириқ 1-сессияси бўлади.

Сессияда ташкилий масалалар муҳокама қилинади.

Сессия эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Давлат эстрада театри биносинда (Навоий кўчаси, 55 уй) очилади. Депутатлар эрталаб соат 9 дан шу ерда руҳхатга олинади.

Редактор З. И. ЕСЕНБОВЕВ.

Фашист жаллодлар устидан суд

ТАЛЛИН, 6 март. (ТАСС). Бугун эрталаб Таллинда гитлерчилик оккупациясида вақтида Эстония территориясига 125 минг титч граждандар ва ҳарбий асирларнинг қириб ташлашда иштирок этган бир гуруҳ фашист жаллодлар устидан суд бўлишиди. Уларга СССРнинг «Давлатга хайнат қилганлик» учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 1-моддасида қўзғалган айб қўйилган.

Қора кўрсига «Ягала» ажал кўзлари қондан қизилган, собиқ ердамчи Ральф Геррете ва лагернинг собиқ қўли Ян Вийк ўлибди. Учинчи жиноятчи — Эстония халқаролик полицияси ва «СД» собиқ бошлиғи. Британия

оролларида яширинган Айн-Эрвин Мере сирдан суд қилинмоқда. Бу жиноятчиларнинг актив иштирокчиси Таллин яқинидаги «Ягала» лагерига 1942 — 1943 йилларида Чехословакия, Польша, Германиянинг кўпчилиги ахулий иллатидидаги қишлоқлардан иборат 3 мингдан ортиқ граждандар ва ахулийларча азоблаб ўлдирилган.

Иш Эстония ССР Олий судининг жиноий ишлар бўйича суд коллегиясининг оқик мажлисида қўрилмақда.

Фашист жиноятчилар Ральф Геррете ва Ян Вийк ўзларига қўйилган айбларга иқроқ бўлди.

Французларнинг Жазирадаги талофотлари

ҚОҲИРА, 6 март. (ТАСС). Бу ерда Жазира миллий озолик армияси олий қўмондонлигининг 22 февралдан 26 февралгача бўлган даврида Жазирадаги жанглар тўғрисидаги ахбороти эълон қилинди.

Шу даври ичида, дейлади ахборотда, француз қўшинларидан 244 киши ўлдирилди, 200 га яқин киши эрзадор қилинди. Французларнинг 40 дан ортиқ ҳарбий автомашинаси ақсон қилинди, тўрт ҳарбий самолети уриб тушди, ҳарбий эшакон портлатиди, кўп миқдорда француз қўрол-яроқлари ва ўқ-қорилари қўлга тушди.

БУЮК ҚИТЎА СОҲИЛЛАРИ БУЙЛАБ

(„Эстония“ теплоходидан радиogramма)

Африка... Бу сўз бутун жаҳон газеталари саҳифаларидада ўтган йилда бўлган каби ҳеч қачон бунчалик кўп тили олдига нақсон бўлса керак. Эсон география хаталарида бу киттининг деярлик ҳамма қисми империялик давлатларнинг мустамлакаларини тасвирловчи иш, сариқ, жингаранг ва бошқа ранглар билан бўлган эди.

Эндилкида бу буюк қитъа ушундай ва унда ёш мустақил давлатларнинг номлари бирин-кетин пайдо бўла бошлади.

Эрксевар Африка халқларининг ўз сиёсий мустақилликлари ва мустақил экономика учун олиб бораётган кураши мамлакатимиздаги барча меҳнаткашлар томонидан кизгин қўллаб-қувватланаётган. Шу сабабдан совет туристларининг ана шу қитъага бўлган қизиқишлари мутлақо табиий бир ҳолдир.

Уларни мафтун этган нарсаси бу киттининг экзотик гўзалликлари эмас, Капиталистик мамлакатлардан келган ва беқорчиликда эришиб қолган бой саҳнақчиларига бу экзотик гўзалликларга нисбатан ўқидилар. Совет туристлари узок Африка турпоғида бўлибда келган янгиликлар билан ахшироқ таанишмоқ иштиёи билан бу томон йўл олганлар.

«Эстония» теплоходи бундан қарийб бир ой илгари, 13 февралда ўз бортидаги совет туристлари билан Италиянинг Неаполь портиндан чиқиб Африка томон биринчи марта йўл олди. Африка соҳиллари бўйлаб мароқли саҳат қилишга мутароф бўлганлар орасида Ўзбекистонлик туристларнинг ҳам катта бир гуруҳи бор эди.

Теплоходда уч кун сузгани.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“

4-БЕТ, 8 МАРТ, 1961 ЙИЛ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакция мизнинг АДРЕСИ:

ТОШКЕНТНИНГ ТАҲВИЯ ЗАМОНАДА

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИ ТЕАТРДА — 9/III да Дилором.

ХАМЗА НОМИ ТЕАТРДА — 8/III да Хуррият, 9/III да Гамлет.

МУҚИМИ НОМИ ТЕАТРДА — 8/III да Паранжия сирлари, 9/III да Равшан ва Зулхумор.

СВЕРДЛОВ НОМИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 11/III кеч соат 7 яримда «Баҳор» халқ рақс ансамблининг концерти, СССР халқ артисти Мукаррамжа Турғубоева қатнашади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Озарбайжон давлат цирки жаҳон экс-чемпиони, хизмат кўрсатган спорт мастери Григорий Новак гастроллари. Тамаша давомида қизиқчи артист ака-ука Ширманлар қатнашади. Тамаша кеч соат 7 яримда бошланади.

КИНО

Кўр-ўғли (кент экранли) — «БАТАН» (кундуз ва кечкурун).

Шаҳод — «МИР» НАВОИЙ номи (кундуз ва кечкурун).

Истиқбол этаси — «СПУТНИК» (кундуз ва кечкурун).

«Ўзбекэнерго» трестининг МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИЛГАН ИШЛАР БОШКАРМАСИГА экскаватор машинистлари, элек. триклар, гидротехник инженерлар ва бош меҳаник

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 22-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

«Ўзбекэнерго» трестининг МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИЛГАН ИШЛАР БОШКАРМАСИГА экскаватор машинистлари, элек. триклар, гидротехник инженерлар ва бош меҳаник

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 22-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БУЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиш бўлими — 136, Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Санъат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Эълонлар бўлими — 28142.